

Оғир жудолик



19:44 / 05.12.2020 2403

Мўмин мусулмонлар Миср диёри, балки бутун Ислom оламида тенгсиз ақийда олими бўлган устоз аллома Тоҳа Ал-Дассуқий Ал-Хубайшийдан жудо бўлди.

Шу муносабат билан «Ҳилол» нашриёт-матбааси ҳамда islom.uz портали жамоаси чуқур ва самимий таъзия изҳор қилиб, Аллоҳ таолодан олимнинг аҳлу оилаларига, яқинларига ва талабаларига сабру жамил ато этишини сўрайди.

2018 йилда Миср араб Республикасидан «Ал-Азҳар» университети Ақийда ва фалсафа кафедраси мудирини устоз аллома Тоҳа Дассуқий Хубайший ва Миср диёридаги энг кўзга кўринган Ҳанафий мазҳаби олими Шайх Жамалуддин Ҳашим ташриф буюрганлар. Уларга Ҳусайн Яҳё Абдулмажид ҳамроҳлик қилган.

Доктор Тоҳо Дассуқий Ҳубайший ташрифидан мақсадни баён қилар экан, жумладан Имом Бухорий, Термизий, Имом Мотуридий каби буюк алломаларнинг юрти, хусусан Бухоро шаҳрида бўлгани, айниқса Имом Бухорийнинг мақбарасини зиёрат қилганидан беҳад хурсанд эканини айтиб ўтган. Ҳубайший ҳазратларининг кўзлари ожиз бўлса-да, қалб кўзлари нурли эди.

Аллоҳ таоло улуғ алломанинг барча хайрли ишларини, солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, охиратларини обод қилсин.

«Сабрлиларга хушxabар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»,

Islom.uz портали